AGRO KIMYO HIMOYA VA O‘SIMLIKLAR KARANTINI

ISSN 2181-8150

Ilmiy-amaliy jurnal

№5. 2023



6-бет

ТАШХИС УЧУН ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ, ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАР ВА НЕМАТОДАЛАРНИНГ НАМУНАЛАРИНИ ЙИҒИШ, САҚЛАШ ВА ЮБОРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

28-бет


КУЗГИ ТУНЛАМГА ҚАРШИ БАШОРАТ АСОСИДА КИМЁВИЙ УСУЛДА КУРАШИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ






61-бет

МЕВАЛИ БОҒЛАРГА ЭЛЕКТР ИМПУЛЬСЛИ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ



2-расм. Кузги буғдой навлари таснифи геоинформацион алгоритмлар асосида, 2021-2022 йй.



3-расм. Суғориш тармоқлари майдони кесимида кузги буғдой ҳосилдорлик даражаси

Хулоса. Инсон омилисиз, сунъий йўлдош маълумотлари ва геоинформацион алгоритмларга асосланган картографик тадқиқотлар Чапқирғоқ Амударё ИТҲБ ирригация тизимлари, Хоразм Мелиорация Экспедицияси ва Хоразм вилояти Қишлоқ хўжалаги бошқармаси ер тузиш бўлимлари мутахассислари томонидан экинларни ҳудудий жойлаштириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ерларнинг ҳудудий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мунтазам таҳлил қилиш имкониятини беришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. T. S. Thomas, K. Akramov, R. D. Robertson, V. Nazareth, and J. Ilyasov, “Climate Change, Agriculture, and Potential Crop Yields in Central Asia,” no. December, 2021.
2. Y. Liu, X. Geng, Z. Hao, and J. Zheng, “Changes in Climate Extremes in Central Asia under Agricultural Productions,” pp. 1–19, 2020.
3. M. Sultanov, M. Ibrakhimov, A. Akramkhanov, C. Bauer, and C. Conrad, “Modelling End-of-Season Soil Salinity in Irrigated Agriculture Through Multi-temporal Optical Remote Sensing, Environmental Parameters, and In Situ Information,” PFG - J. Photogramm. Remote Sens. Geoinf. Sci., vol. 86, no. 5–6, pp. 221–233, 2018, doi: 10.1007/s41064-019-00062-3.
4. N. Ibragimov, Y. Djumaniyazova, J. Khaitbaeva, S. Babadjanova, and J. Ruzimov, “Simulating Crop Productivity in a Triple Rotation in the Semi - arid Area of the Aral Sea Basin,” Int. J. Plant Prod., no. 0123456789, 2019, doi: 10.1007/s42106-019-00083-3.
5. S. Hong and R. R. Vatsavai, “Sliding window-based probabilistic change detection for remote-sensed images,” Procedia Comput. Sci., vol. 80, pp. 2348–2352, 2016, doi: 10.1016/j.procs.2016.05.438.

УЎТ: 633.111.1; 631.84

БАҲОРГИ БУҒДОЙНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ ВА ЎСУВ ФАЗАЛАРИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ

Абдуазимов Акбар Мухторович,
Оллаев Нурбек Бердиёр ўғли,
“ТИҚХММИ” МТУ нинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. *Мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида баҳорги юмшоқ буғдой Жануб гавҳари навининг минерал ўғит турлари (NH4NO3 ва CO (NH2)2) дан қаътий назар меъёрлари N210P105K63 кг/га ҳисобидан қўлланилиши ҳамда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70% ўсимликларнинг умумий ўсиш-ривожланиш даврига ижобий таъсир этиб, нормал ривожланишини таъминлагани келтирилган.*

Калит сўзлар: *ўғит, баҳорги юмшоқ буғдой, ўсиш, ривожланиш, ўсимлик бўйи, суғориш меъёри, ЧДНС, Аммиакли селитра, Карбамид.*

Аннотация. *В статье приведены данные о положительном влиянии применения видов (NH4NO3 ва CO (NH2)2) норм удобрений N210P105K63 кг/га, а так же от предельно полевой влаги (ППВ) 70% на вегетационный период роста и развития яровой пшеницы сорта Жануб Гавхари в условиях орошаемых бледно-серых почв Кашкадарьинской области.*

Ключевые слова: *удобрение, яровая мягкая пшеница, рост, развитие, высота растений, норма орошения, ППВ, Аммиачная селитра, Карбамид.*

Annotation. *The article provides data on the positive impact of the use of species (NH4NO3 va CO (NH2)2) fertilizer rates N210P105K63 kg/ha, as well as from maximum field moisture (PPV) 70% on the growing season of growth and development of spring wheat variety Zhanub Gavkhari in conditions irrigated pale gray soils of the Kashkadarya region.*
Key words: *fertilizer, spring soft wheat, growth, development, plant height, irrigation rate, PPV, Ammonium nitrate, Urea.*

Кириш. Республиканинг турли минтақалари ўзига хос тупроқ-иқлим шароитига эга. Минтақалар тупроқ-иқлими ҳамда сув таъминоти ҳамда суғориш ва ўғитлаш агротехникаси бўйича ҳам фарқ қилади. Сув таъминоти ўз навбатида ўғитлар самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун янги буғдой навларининг етиштириш технологиясини ишлаб чиқишда уларнинг суғориш ва ўғитлашга таъсирчанлигин ўрганиш асосида улар учун тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда навлар кесимида оптимал суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларини аниқлаш талаб этилади.

Ўсимликлар учун қўлланиладиган минерал ўғитларни турлари бўйича қўллаш, улардан фойдаланиш самарасини оширади. Айниқса, тупроққа бериладиган азотнинг бир қисми ҳавога учиб кетади, ҳар хил йўллар билан бошқа шаклларга ўтади ва ёғингарчилик билан (9-50%) ювилиб кетади, микроорганизмлар ўзлаштиради, (11-59%) тупроққа сингиб кетади. Шунингдек, баҳорги буғдойни оптимал (ЧДНС-70%) меъёрларда суғориш ўсимликларнинг мақбул ўсиш ва ривожланишини таъминлайди.

Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим минтақаларида экилаётган юмшоқ буғдой уруғларини қисқа вақт давомида тўлиқ униб чиқиши, ўсиш ва ривожланиш даврларининг давомийлиги, етиштирилаётган навнинг биологик ва ирсий хусусиятларига, ёғингарчиликлар миқдорига, ҳароратга, тупроқ ва ҳаво намлигига, минерал ўғитларнинг меъёр ва нисбатларига, суғоришлар сони ва меъёрларига, тупроқнинг механик таркибига, ўсимликни касаллик ва зараркунандалар билан зарарланишига, экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгаради [1, 3].

Кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон ҳосили етиштириш, ўсиш ва ривожланиш жараёнида сувга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондиришга боғлиқдир. Буғдойнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уни сувга бўлган эҳтиёжи ривожланиш даврлари бўйича бир хил эмас. Сувга бўлган талаб даври, най ўраш ва бошоқлаш даврлари ҳисобланади. Мана шу даврда нам етишмаслиги 21 - 40 % ҳосилни йўқотишга олиб келади [2, 4, 5]

Андижон вилояти ўтлоқи бўз тупроқларида кузги буғдойнинг “Уманка”, “Юна” навларининг мақбул суғориш режимини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тажриба натижаларига кўра суғориш режими ЧДНСга нисбатан 70-70-70 %, мавсумий суғориш меъёри 3640 - 4000 м3/га, суғориш тартиби 1-2-1 бўлганда буғдой навларида ўсиш ва ривожланиш юқори бўлади [6].

Таҳлил ва натижалар. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ўтказган тажрибаларимизда, баҳорги юмшоқ буғдойнинг Жануб гавҳари навини аммиакли селитра (NH_4NO_3) ва карбамид ($CO(NH_2)_2$) ўғитлари билан турли меъёрларда озиқлантирилганда экиш-униб чиқиш даври чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 60-80% да ушлаб турилганда 14 кунни ташкил қилгани қайд этилди. Экиш-униб чиқиш даврининг давомийлиги бўйича сезиларли фарқ кузатилмаган бўлсада, лекин униб чиқиш-тупланиш даври 21 кундан 29 кунни ташкил қилган ҳолда қўлланилган ўғит тури ва меъёрлари ҳамда чекланган дала нам сиғимига боғлиқ ҳолда 8 кунга узайганлиги кузатилди (1-жадвал).

Тадқиқот доирасида баҳорги юмшоқ буғдойнинг Жануб гавҳари оч тусли бўз тупроқлар шароитида аммиакли селитра (NH_4NO_3) билан турли меъёрларда озиқлантирилганда униб-чиқиш найлаш даври чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 60-80% да ушлаб турилганда 21 кундан 29 кунгача, карбамид ($CO(NH_2)_2$) ўғити билан турли меъёрларда озиқлантирилганда 35-40 кунга тўғри келди. Тадқиқот натижаларига асосланиб карбамид ($CO(NH_2)_2$) минерал ўғити билан озиқлантириш баҳорги буғдойни униб-чиқиш найлаш даври 11-14 узайганлиги қайд этилди.

Тажрибада баҳорги юмшоқ буғдойнинг униб чиқиш-бошоқлаш даври қўллаган ўғит тури ва меъёри ҳамда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га боғлиқ холда 58-65 кунни ташкил этган бўлса, аммиакли селитра (NH_4NO_3) билан турли меъёрларда озиқлантирилганда бу кўрсаткичлар навларга 58-65 кунни, карбамид ($CO(NH_2)_2$) ўғити билан турли меъёр-

1-жадвал.

Суғориш ва ўғитлаш меъёрларининг ривожланиш даврлари давомийлигига таъсири, кун

№	Ўғитлаш меъёри	Суғориш меъёри	Экиш-униб чиқиш	Униб чиқиш-тупланиш	Униб чиқиш-найчалаш	Униб чиқиш-бошоқлаш	Вегетация даври, кун
Аммиакли селитра (NH_4NO_3)							
1	$N_{120}P_{60}K_{35}$	ЧДНС-60%	14	29	37	58	109
2		ЧДНС-70%	14	28	36	60	112
3		ЧДНС-80%	14	28	36	59	110
4	$N_{150}P_{75}K_{45}$	ЧДНС-60%	14	23	41	62	111
5		ЧДНС-70%	14	28	36	60	111
6		ЧДНС-80%	14	28	36	59	109
7	$N_{180}P_{90}K_{54}$	ЧДНС-60%	14	26	38	60	110
8		ЧДНС-70%	14	21	39	65	111
9		ЧДНС-80%	14	21	39	64	110
10	$N_{210}P_{105}K_{63}$	ЧДНС-60%	14	29	37	58	107
11		ЧДНС-70%	14	27	35	61	112
12		ЧДНС-80%	14	27	35	60	111
Карбамид ($CO(NH_2)_2$)							
13	$N_{120}P_{60}K_{35}$	ЧДНС-60%	14	29	37	59	110
14		ЧДНС-70%	14	22	40	64	112
15		ЧДНС-80%	14	22	40	63	111
16	$N_{150}P_{75}K_{45}$	ЧДНС-60%	14	23	41	63	112
17		ЧДНС-70%	14	22	40	64	113
18		ЧДНС-80%	14	22	40	63	112
19	$N_{180}P_{90}K_{54}$	ЧДНС-60%	14	26	38	61	110
20		ЧДНС-70%	14	27	35	61	113
21		ЧДНС-80%	14	27	35	60	112
22	$N_{210}P_{105}K_{63}$	ЧДНС-60%	14	29	37	59	109
23		ЧДНС-70%	14	21	39	65	112
24		ЧДНС-80%	14	21	39	64	111

ларда озиқлантирилганда эса бу давр 59-65 куннни ташкил этган холда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га боғлиқ ҳолда узгаргани аниқланди.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, оч тусли бўз тупроқлар шароитида баҳорги юмшоқ буғдойнинг вегетация даври 109-113 кунни ташкил этгани қайд этилди. Тадқиқот доирасида баҳорги юмшоқ буғдой аммиакли селитра (NH_4NO_3) ва карбамид (СО $(NH_2)_2$) ўғитлари билан турли меъёрларда озиқлантирилган шароитда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 60% да бўлганда барча вариантлар бўйича ушбу даврнинг қисқа бўлиши, чекланган дала нам сиғими 70-80% гача оширилганда эса узайишига олиб келгани аниқланди.

Тажрибаларда ўрганилган аммиакли селитра (NH_4NO_3) ўғитининг қўлланилиши баҳорги буғдойнинг вегетация даврнинг барча ривожланиш бошқичларида ижобий таъсир этиб, карбамид (СО $(NH_2)_2$) ўғити билан турли меъёрларда озиқлантирилган вариантларга нисбатан барча ривожланиш фазаларнинг барвақт утишини таъминлаган (1-жадвал).

Олиб борилган тажрибаларда қўлланилган ўғит турлари ва меъёрлари ҳамда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) меъёрлари баҳорги юмшоқ буғдой Жануб гавҳари навининг ўсиб-ривожланишига вариантларга боғлиқ ҳолда таъсир қилгани аниқланиб, аммиакли селитра (NH_4NO_3) ва карбамид (СО $(NH_2)_2$) минерал ўғитлари $N_{210}P_{105}K_{63}$ кг/га меъёрда қўлланилиши шароитда барча фазалар бўйича чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70% да бўлганда бошқа вариантларга нисбатан ижобий таъсир қилгани аниқланди. Тадқиқотларимизда баҳорги юмшоқ буғдой Жануб гавҳари навининг ўсиш даврларининг қулай ўтиши учун энг мақбул минерал ўғит (NH_4NO_3 ва СО $(NH_2)_2$) меъёри $N_{210}P_{105}K_{63}$ кг/га ҳамда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70% эканлиги қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида баҳорги юмшоқ буғдой Жануб гавҳари навининг минерал ўғит турлари (NH_4NO_3 ва СО $(NH_2)_2$) дан қаътий назар меъёрлари $N_{210}P_{105}K_{63}$ кг/га ҳисобидан қўлланилиши ҳамда чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70% ўсимликларнинг умумий ўсиш-ривожланиш даврига ижобий таъсир этиб, нормал ривожланишини таъминлагани аниқланган. Аммиакли селитра (NH_4NO_3) ва карбамид (СО $(NH_2)_2$) минерал ўғитлари агрофон шароитида N_{210} кг/га ҳисобидан қўлланилиб, чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 70% ни ташкил қилган шароитда экиш-униб чиқиш дари 14;14 кунни, униб-чиқиш туплаш даври 27;21 кунни, униб чиқиш-найчалаш даври 35;39 кунни, униб чиқиш-бошоқлаш даври 61;65 кунни ва вегетация даври 112 кунни мос равишда ташкил этди ҳамда мўл ва сифатли дон ҳосилини шакллантирди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Халилов Н. Научные основы возделывания пшеницы осеннего посева на орошаемых землях Узбекистана: Дис. ...док. с.-х. наук.- Самарканд.: 1994.
2. Зиядуллаев З. Ф., Абдуазимов А. М. Баҳорги буғдой навларида бошоқ ўлчамлари //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 1. – С. 22-26.
3. FAYZULLAEVICH Z. Z. et al. BREEDING FOR EARLY MATURITY AND HEAT-TOLERANT SPRING BREAD WHEAT // Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology. – 2021. – С. 25-34.
4. Вафоева М. Б., Абдуазимов А. М. Влияние листовой подкормки на урожайность и качество зерна озимой пшеницы в различных условиях минерального питания //Инновацион технологиялар. – 2021. – №. 2 (42). – С. 68-71.
5. Рамазонов О., Юсупбеков О. Тупроқшунослик ва деҳқончилик, «Шарқ» нашриёти, Тошкент – 2003, 156 - 159 б.
6. Исашев А., Кодиров Р. «Андижон вилояти шароитида кузги буғдойнинг суғориш режими». «қишлоқ хўжалигида илғор тажрибалар». 2-китоб, Андижон –2002, 205-207 б.

UO‘T: 633.173:631. 51

KUZGI BUG‘DOYNING FARBOMA NAVINI SUG‘ORISH TARTIBI

Nasriddin Xalilov, q.x.f.d., professor,
Qahramonova Farida Odilovna, assistent,
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti.

Annotasiya. *Ushbu maqolada Samarqand viloyatining sug‘oriladigan o‘tloqi-bo‘z tuproqlari sharoitida sug‘orish rejimining kuzgi yumshoq bug‘doyning yangi “Farboma”navi o‘sishi, rivojlanishi va hosildorligiga ta’siri o‘rganilgan va xulosalar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *sug‘oriladigan yerlar, o‘tloqi-bo‘z tuproq, nav, yumshoq bug‘doy, Farboma navi, nam to‘playdigan sug‘orish, sug‘orish soni, tuproqni cheklangan dala nam sig‘imi, sug‘orish tartibi, don, hosil.*

Аннотация. *В данной статье изучено влияние режима орошения на рост, развитие и продуктивность нового сорта осенней мягкой пшеницы «Фарбома» в условиях орошаемых лугово-серых почв Самаркандской области и приведены выводы.*

Ключевые слова: *орошаемые земли, травяно-серая почва, сорт, мягкая пшеница, сорт Фарбома, влаго-аккумулирующее орошение, номер орошения, ограниченная полевая влагоемкость почвы, способ орошения, зерно, урожай.*

Annotation. *This article examines the influence of the irrigation regime on the growth, development and productivity of a new variety of autumn soft wheat “Farboma” in the conditions of irrigated meadow-gray soils of the Samarkand region and provides conclusions.*

Key words: *irrigated land, grass-gray soil, variety, soft wheat, Farboma variety, moisture-accumulating irrigation, irrigation number, soil limited field moisture capacity, irrigation method, grain, crop.*

“AGRO KIMYO HIMOYA VA O‘SIMLIKLAR KARANTINI”

Ilmiy-amaliy jurnal

BOSH DIREKTOR

Mariyamxon BOQIYEVA

MAS`UL KOTIB

Abdunabi ALIQULOV

DIZAYNER

Ulug‘bek MAMAJONOV

Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 26-mayda 0560-raqam bilan ro‘yxatga olingan. O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2017-yil 30-martdagi №239/5-sonli qarori bilan qishloq xo‘jalik fanlari bo‘yicha ilmiy jurnallar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2008-yildan chiqa boshlagan.

Bir yilda olti marta chop etiladi.

Nashr e’lon qilingan sana: 08.11.2023-yil.

Manzil: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shox ko‘chasi. 50 a-uy, 18-xona.
Tel: (+998 90) 353-37-77
(+998 90) 946-22-42
Web sayt: karantin-jurnali.uz
Telegram: karantinjurnali
Facebook: karantinjurnali
e-mail: karantinjurnali@mail.ru

U.BEKNAYEV, X.SHUKUROV. Boshoqli ekinlar bilan aralash holda yetishtirilgan qashqarbedaning ozuqaviy tarkibi tahlili 97
U.BEKNAYEV, X.SHUKUROV. Chorva mollarini qashqarbeda bilan oziqlantirilganda o‘sish va rivojlanishiga ta’siri 99
Э.БЕРДИМУРАТОВ, Г.ҒОФФОРОВА, М.МАМАШАРИПОВА. Топинамбурни турли табиий шароитларда ўстириш 101
X.ARALOV, K.USMANOVA, B.ERGASHEV, K.SUYAROVA. Meva va sabzavotlarni qayta ishlash texnologiyalari 104

PAXTACHILIK

Ф.ХАСАНОВА, М.ЭШОНҚУЛОВ. Ғўза парваришида гербицидларнинг ўрни .. 106
U.ABDUMALIKOV. Tadqiqotlar natijasida yaratilgan yangi g‘o‘za tizmalarini qimmatli xo‘jalik belgilarini o‘zgaruvchanligi 108
Л.ФОЗИЛОВ. Ғўза десикацияси учун мақбул десикантлар 110
Ш.ХОЛИҚУЛОВ, Ж.АБДУМАЛИКОВ, Д.ХОЛМАТОВА. Гўнг ва органоминерал компостларнинг ғўзани озиқланиш режими ва ҳосилдорлигига таъсири 112
И.МАМАТҚУЛОВ, Р.АБДУНАЗАРОВ. Пахта намлиги ва ифлослигининг таҳлили..... 115

G‘ALLACHILIK

М.АЗИМОВА, Г.ЎРИНОВА, Х.САИДМУРОДОВ. Кузги буғдой навларининг тупланиши ҳамда маҳсулдор поялар сонига экиш муддати, меъёрлари ва ўғитларнинг таъсири 118
М.ВАФОЕВА, А.АБДУАЗИМОВ. Кузги буғдойни илдиздан ташқари қўшимча озиқлантиришнинг таъсири 120
I.HAKIMOVA, J.ISMAYILOV. Sug‘oriladigan tipik bo‘z tuproqlar sharoitida fosforli o‘g‘itni turli muddat va usullarda qo‘llashning kuzgi bug‘doydagi samaradorligi 122
М.СУЛТАНОВ. Кузги буғдой навлари таснифи ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини моделлаштириш 124
А.АБДУАЗИМОВ, Н.ОЛЛАЕВ. Баҳорги буғдойнинг ривожланиш даврлари ва ўсув фазаларининг давомийлиги 126
N.XALILOV, F.QAHRAMONOVA. Kuzgi bug‘doyning farboma navini sug‘orish tartibi 128
Н.КОБИЛОВА. Исследование технологически значимых показателей зерна пшеницы, возделываемой в Узбекистане 130
М.ҲАКИМОВА, М.АЗИМОВА. Кузги буғдой навлари ҳосилдорлигига экиш муддатлари, экиш меъёрлари ва озиқлантиришнинг таъсири 132
Х.ИДРИСОВ, Ҳ.АСҚАРОВ. Мош навлари илдизини ривожланишига экиш муддати ва меъёрини таъсири (типик бўз тупроқ мисолида) 134
Ш.АБДИМУМИНОВ, К.ТАДЖИЕВ. Тандем стимуляторининг соя экини қуруқ вазнининг ўзгаришига таъсири 135
О.ҚУРБОНОВА. Кунжутни турли экиш муддатлари ва экиш меъёрларида парваришлашнинг тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири 137
G.O‘RINOVA. Rijik o‘simligini yetishtirish texnologiyasining ilmiy ahamiyati 139
Э.ХАМДАМОВА, Г.СУВОНОВА, Б.ҲАҚНАЗАРОВА. Нўхатнинг “Умид” нави ҳосилдорлигига экиш меъёрлари ва намликнинг таъсири 141

YER-SUV RESURSLARI VA TUPROQSHUNOSLIK

SH.XOLIQULOV, I.BOBOBEKOV, L.BOYLATOVA. Tuproqlarni og’ir metallardan zararsizlantirish choralari va ularning baqlajon hosildorligiga ta’siri 143
SH.XOLIQULOV, I.BOBOBEKOV, L.ABDUSALOMOVA. Organik o’g’itlarning tuproqdagi harakatchan og’ir metallar miqdori va kartoshka hosildorligiga ta’siri 145
A.ABDUAZIMOV, SH.PIRIMOVA. Soyani sug’orishda suv tejovchi sug’orish texnikalaridan foydalanish 148
T.G‘OZIYEV, Y.MUSAYEVA. Mulchalashning sug‘oriladigan o‘tloqi- bo‘z tuproqlar haroratiga ta’siri 150
T.G‘OZIYEV, Z.SAITQULOVA. Tuproqni umumfizik xossalariga polietilen plyonka bilan mulchalashning ta’siri 152
О.ДАВРОНОВ, Ш.ХОЛМАТЖОНОВ, А.ХАМДУЛЛАЕВ, А.ДИЛМУРОДОВ. Ўзбекистон чўл ва адир минтақаси табиий яйловлари мониторинги 154
И.ИСЛОМОВ, З.ҲАКИМОВА. Аллювиал - ўтлоқи тупроқларининг шўрини оқова сув билан ювишдаги самарадорлиги 157
Ю.РОМАНЮК. Анализ ведения мониторинга земель сельских населенных пунктов 160
А.ТУРСУНҚУЛОВА. Зарафшон дарёси атрофларидаги суғориладиган тупроқларнинг гранулометрик таркибини ўзгариши ва қиёсий таҳлили (типик бўз, оч тусли бўз, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-аллювиал тупроқлари мисолида) ... 164
H.XAYDAROVA, S.YULDASHEVA, Y.MIRZAEV. O‘zbekiston tabiatining ekoturistik imkoniyatlari 168